



ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Рўзмаматов Анвар Қадамбоевич

Тошкент молия институти

ORCID: 0009-0004-3604-343x

Аннотация. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида янги инвестицион лойиҳаларнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш, уларни ривожлантириш, шунингдек, амалга ошириладиган лойиҳаларга инвестицияларни жалб этиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин махсус иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган янги лойиҳаларнинг барчасида ҳам кўзланган мақсадга эришилмаяпти, бундан ташқари баъзи лойиҳалар эса ўз вақтида фойдаланишга топширилмаяпти. Бу эса, махсус иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган янги лойиҳаларга сарфланган харажатлар аудитини тўғри ташкил этиш, шунингдек, аудит жараёнида лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш нақадар долзарб эканлигини кўрсатади. Мазкур мақолада махсус иқтисодий зоналарнинг бир тури – эркин иқсодий зоналарда янги лойиҳалар харажатлари аудитини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарадорлигини таҳлилий амаллар орқали баҳолаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: эркин иқсодий зона, инвестиция, янги инвестицион лойиҳа, янги лойиҳалар харажатлари аудити, махсус аудит режаси ва дастури, янги лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари, таҳлилий амаллар.

ОРГАНИЗАЦИЯ АУДИТА ЗАТРАТЫ НА НОВЫХ ПРОЕКТАХ В СВОБОДНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ЗОНАХ

Рузмаматов Анвар Қадамбоевич

Ташкентский финансовый институт

Аннотация. В последние годы, учитывая важность новых инвестиционных проектов в Республике Узбекистан, проводятся масштабные мероприятия, направленные на создание специальных экономических зон, их развитие, а также привлечение инвестиций в реализуемые проекты. Однако не все новые проекты, реализуемые в особых экономических зонах, достигают поставленных целей, а некоторые проекты не сдаются в срок. Это показывает, насколько важно правильно организовать проверку затрат на новые проекты, реализуемые в особых экономических зонах, а также оценить эффективность проектов в процессе проверки. В данной статье рассматриваются вопросы организации аудита затрат на новых проектов в свободных экономических зонах – тип специальных экономических зон и оценки их эффективности посредством аналитических процедур.

Ключевые слова: свободная экономическая зона, инвестиции, новый инвестиционный проект, организация аудита затрат на новых проектов, специальный план и программа аудита, показатели эффективности новых проектов, аналитические процедуры.

ORGANIZING AN AUDIT OF COSTS FOR NEW PROJECTS IN FREE ECONOMIC ZONES

Ruzmamatov Anvar Kadamboyevich
Tashkent institute of finance

Annotation. *In recent years, given the importance of new investment projects in the Republic of Uzbekistan, large-scale events have been carried out aimed at creating special economic zones, their development, as well as attracting investment in ongoing projects. However, not all new projects implemented in special economic zones achieve their goals, and some projects are not delivered on time. This shows how important it is to properly organize the verification of costs for new projects implemented in special economic zones, as well as to evaluate the effectiveness of projects during the verification process. This article discusses the issues of organizing an audit of the costs of new projects in free economic zones - a type of special economic zones and assessing their effectiveness through analytical procedures.*

Keywords: *free economic zone, investments, new investment project, organization of audit of costs for new projects, special plan and audit program, performance indicators of new projects, analytical procedures.*

Кириш.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида олиб борилаётган иқтисодий сиёсат, жумладан махсус иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши, инвесторларга янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шароит яратмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 17.02.2020 йилдаги ЎРҚ-604-сон «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 07 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-215-сон фармони фикримизнинг яққол исботи ҳисобланади. Бу эса, янги инвестицион лойиҳалар учун ресурсларни жалб қилиш, жалб қилинган ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланганлигини аудиторлик текширувидан ўтказиш, амалга оширилган харажатларнинг самарадорлигини баҳолашга зарурат яратади (Қонун, 2020).

Чет эл инвесторлари, маҳаллий капитал эгалари, махсус иқтисодий зоналар дирекциясилари, пудратчилар ва бошқа иштирокчиларнинг иқтисодий муносабатлари хавфсизлигининг кафолатини аудиторлик текшируви таъминлайди. Чунки, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида битим тузиш учун лойиҳалар танловини асослашда, инвестицион лойиҳалар жалб қилиш учун устувор ҳудуд белгилашда ёки эркин иқтисодий ҳудуд иштирокчиси мақомини олишда ишончли ахборотлар зарур. Аудиторлар тақдим этадиган профессионал мулоҳазалар жалб қилинган молиялаштириш (хорижий инвестициялар, ўз ва қарз маблағлари) ҳажмини, инвесторлар ва лойиҳаларни амалга оширувчи эркин иқтисодий ҳудуд иштирокчисининг молиявий барқарорлигини тасдиқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Аудиторлар томонидан янги лойиҳалар бўйича хулосаларни ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилиши, биринчи навбатда аудиторлик текширувини тўғри ташкил этиш ва пухта режалаштиришга боғлиқ.

Адабиётлар шарҳи.

Хорижий ва маҳаллий адабиётларда ҳозирги кунгача янги лойиҳалар харажатлари аудитининг умумқабул қилинган концепцияси мавжуд эмаслиги, унинг моҳиятини очиб бериш билан боғлиқ турлича қарашлар мавжудлиги билан боғлиқ.

«Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонунга кўра «инвестиция лойиҳаси – иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш учун инвестицияларни амалга оширишга

ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуи”дир деб келтирилган (Қонун, 2020).

Мамлакатимиз иқтисодиётида янги лойиҳаларнинг самарадорлиги муҳим омил бўлиши билан бирга тараққиётнинг ҳам мустаҳкам заминига айланаётган бир даврда кўплаб инсонлар инвестициялар ҳақида янги билимларга эга бўлмоқда ва ҳозирда замонавий муаллифлар "инвестиция лойиҳалари" атамасининг кўплаб формулаларини нашр қилмоқдалар.

Рус иқтисодчиси Бочаров (2000) фикрича “инвестиция лойиҳасининг объекти сифатида ушбу лойиҳани амалга ошириш катта хажмда капитал харажатлар (ҳам молиявий ҳам меҳнат) талаб қиладиган ҳар қандай лойиҳа тушунилади”.

Меркова (2015) фикрига кўра, лойиҳалар аудити уларни амалга оширишнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий шартларига жавоб берадиган ҳамда инвесторлар капиталининг ўсишини таъминлайдиган инвестицияларни баҳолашга қаратилган.

Дятлова, Кузмичев (2020), Данилочкина, Чернер (2018) ёндашувига кўра, инвестиция аудитида қўлланиладиган таҳлилий усуллар ресурсларнинг мавжудлиги ва самарадорлигини, лойиҳа маҳсулотлари рентабеллигини, молиявий натижалар ва молиявий ҳолат кўрсаткичларини, инвестиция сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш учун хизмат қилади.

Янги лойиҳаларни эркин иқтисодий ҳудудларга жойлаштиришда асосан соф пул оқимларига катта эътибор берилган. Аммо бугунги кундаги атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар анъанавий баҳолаш методологиясини биров ўзгартиришни тақозо этмоқда. Хитой молия ва иқтисодиёт университети (Цзянси шаҳри) иқтисод факультети профессори Ван Чуннинг (2012) фикрича, корхона фаолиятининг ижтимоий ва экологик таъсирини ҳисобга олмайдиган услубни “экстенсив” деб атаган.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда янги лойиҳалар харжатлари аудитини ташкил этиш ва режалаштириш ва унинг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашда миллий ва халқаро амалиётда қўлланиладиган иқтисодий таҳлил, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Махсус иқтисодий зона – тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун чет эл инвестициялари ва маҳаллий инвестицияларни, юқори технологиялар ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида махсус ажратилган, белгиланган чегараларга ва махсус ҳуқуқий режимга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. Шунингдек, махсус иқтисодий зоналар ҳудудларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, эркин иқтисодий зоналар, махсус илмий-технологик зоналар, туристик-рекреацион зоналар, эркин савдо зоналари, махсус саноат зоналари турларида ташкил этилиши мумкин. Эркин иқтисодий зонаси янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуддир (Фармон, 2022).

Эркин иқтисодий зоналарида янги инвестиция лойиҳалари учун энергия ресурсларидан фойдаланиш имконияти ва бошқа зарур барча инфратузилмалар яратилган. Кўплаб имтиёз ва преференциялар берилган эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган янги лойиҳаларга инвестициялар киритиш ёки қарз маблағларини жалб қилиш, кредит олиш имкониятини ошириш, экологик омиллар

таъсирини ҳисобга олиш ва бошқа рискларни мақбул даражага камайтириш, шунингдек лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш масалалари ушбу жараёнга аудиторларни жалб қилиш зарурлигини кўрсатади.

Аудит жараёнида янги лойиҳалар харажатларини синчковлик билан ўрганилади, бу лойиҳанинг барча иштирокчилари томонидан сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун жавобгарлик даражасини оширишга ёрдам беради, самарасиз харажатлар эҳтимолини камайтиради ва лойиҳани бошқариш механизмини такомиллаштиради. Бундай аудит давомида тасдиқланган маълумотлар инвесторлар учун зарур бўлиб, унинг ёрдамида салбий иқтисодий оқибатлар ва самарасиз инвестицияларнинг эркин иқтисодий зоналар иштирокчиси бўлишининг олди олинади. Янги лойиҳа субъектлари инвестицияларнинг жозибадорлигини баҳолаш ва стратегияни ишлаб чиқиш учун таҳлил қилиш, лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичларида бошқарув, экспертиза ва хизмат кўрсатишни таҳлилий қўллаб-қувватлашдан манфаатдордирлар.

Янги лойиҳалар харажатлари аудитида қурилиш ишларининг тўлиқлиги, ўз вақтида бажарилиши, маблағлардан мақсадли фойдаланилганлиги, экологик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича харажатларнинг ҳамда пул маблағлари оқимларининг лойиҳа самарадорлигини таъминлаш учун етарлилиги, техник-иқтисодий асосланганлигига мослиги ўрганилади. Ушбу жараёнда қуйидагилар текширилади:

- ҳақиқий харажатларнинг режалаштирилганга мувофиқлиги, уларнинг ишончилиги;
- пул маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги;
- инвестиция лойиҳасининг харажатларининг ўзини оқлаш муддати;
- лойиҳа харажатларининг самарадорлигини ҳисоблаш учун асос бўлган барча кўрсаткичлар.


Янги лойиҳалар аудити самарасиз бизнес-режаларни ва маблағларнинг самарасиз сарфланишининг олдини олиш, корхонанинг инвестиция салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш усулларини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Ушбу мақсадга эришиш учун аудиторлик текширувини ташкил этишда янги лойиҳалар харажатлари аудитини тўғри режалаштириш муҳим аҳамият касб этади. “Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш” номли 300-сон (ISA 300) аудитнинг халқаро стандартига кўра аудитни режалаштириш аудиторлик текшируви учун умумий аудит стратегиясини ишлаб чиқиш ва аудит режасини тузишни ўз ичига олади. Янги лойиҳалар харажатлари аудитини тўғри режалаштириш қуйидаги масалаларни ҳал қилиш имкониятини яратади:

- аудиторга аудитнинг муҳим жиҳатларига тегишли эътибор беришга ёрдам беради;
- аудиторга юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга ёрдам беради;
- аудиторга унинг самарали бажарилишини таъминлаш учун аудиторлик топшириғини тўғри ташкил этиш ва бошқаришда ёрдам беради;
- кутилаётган хатарларни юмшатиш учун тегишли кўникма ва малакага эга бўлган аудиторлик гуруҳи аъзоларини танлашда ва улар ўртасида ишларни тақсимлашда ёрдам беради;
- аудиторлик гуруҳи аъзоларини бошқариш ва назорат қилиш, шунингдек, улар фаолияти натижаларини таҳлил қилишга ҳисса қўшади;
- зарурият туғилганда экспертлари ишини мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Режалаштириш мижознинг фаолиятини ва амалага ошилаётган янги лойиҳани батафсил ўрганишни, янги лойиҳалар харажатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида жиддий хатолар эҳтимолини баҳолашни ва самарали аудитни ташкил қилишни ўз ичига олади. Шунингдек, режалаштириш жараёни мумкин бўлган

аудиторлик рискларини баҳолаш - муҳимлик даражасини аниқлашни, аудиторлар ишини ташкил этиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, аудит дастурларини тайёрлаш, аудит давомида вазифаларни тақсимлаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Янги лойиҳалар харажатлари аудитини режалаштириш аудиторлик ташкилоти томонидан қуйидаги тамойилларга мувофиқ амалга оширилиши керак:



1-расм. Янги лойиҳалар харажатлари аудитини режалаштириш тамойиллар

Янги лойиҳалар аудитини режалаштириш уч босқичда амалга оширилади:

1) аудитнинг ҳажми, муддати ва умумий йўналишини акс эттирувчи, шунингдек, аудит режасини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган умумий аудит стратегиясини ишлаб чиқиш (ISA 300);

2) аудитнинг қутилаётган ҳажми, жадваллари ва муддатларини кўрсатган ҳолда умумий аудит режасини ишлаб чиқиш;

3) аудиторлик амалларининг ҳажми, турлари ва кетма-кетлигини белгилайдиган аудит дастурини тузиш.

Янги лойиҳалар харажатлари аудитини стратегияси лойиҳа ҳужжатларини ўрганиш босқичида амалга ошириладиган ва лойиҳа ташаббускорининг молиявий-ҳўжалик фаолияти билан умумий танишиш, мутахассислар таркибини ва аудитни ўтказиш учун сарфланган умумий вақтни аниқлашдан иборат бўлган дастлабки режалаштиришдир. Янги лойиҳалар харажатлари аудитинининг умумий режаси асосида батафсил дастур тузилади. Режа ва дастурнинг шакли ва мазмуни янги лойиҳанинг турига, баҳолашнинг мураккаблигига ва аудитор томонидан қўлланиладиган ўзига хос усулларга қараб фарқ қилиши мумкин. Дастурда аудиторга юклатилган вазифаларни батафсил баён қилиниши мумкин.

Аудитор аудит самарадорлигини ошириш ва мувофиқлаштириш мақсадида аудиторлик текшируви умумий режасининг айрим бўлимлари ва муайян аудит тартиб-қоидаларини аудит гуруҳи аъзолари билан муҳокама қилиши ҳамда ўзгартириш киритиш ваколатига эга. Аудитор аудит ҳужжатларига аудит давомида умумий аудит стратегияси ёки аудит режасига киритилган ҳар қандай муҳим ўзгаришлар ва бу ўзгаришларнинг сабабларини киритиши керак (ISA 300). Бунда аудитор умумий режа ва аудит дастурининг тўғри ва тўлиқ ишлаб чиқилиши учун жавобгардир.

Янги лойиҳалар харажатлари аудитинини умумий режаси асосида аудитор режалаштирилган амалларнинг моҳияти, муддати ва ҳажмини белгиловчи дастурни тузиши ва ҳужжатлаштириши керак. Аслида дастур аудиторлик текширувини амалга оширувчи аудитор учун кўрсатмалар тўплами, шунингдек, иш сифатини назорат қилиш ва текшириш воситасидир.

1-жадвал

Янги лойиҳалар харажатларининг умумий аудит режасига мисол

Аудитдан ўтадиган ташкилот	“Янги лойиҳа ташаббускори” МЧЖ			
Ўрганилаётган янги лойиҳаси номи	Янги маҳсулот ишлаб чиқариш			
Аудит даври	05 февралдан 22 февралгача			
Киши-соатлар сони	104			
Аудит гуруҳи раҳбари	Якубов М.М.			
Аудит гуруҳининг таркиби	Сабилов М.Қ. Курбонов Ш.М.			
Режалаштирилган муҳимлилик даражаси	5%			
№	Режалаштирилган иш турлари	Давр	Ижрочи	Еслатма
1.	Аудит гуруҳини шакллантириш	05.02	Якубов М.М.	
2.	Муайян аудит соҳалари учун аудиторларни касбий кўникмалари ва иш сифатларига мувофиқ тақсимлаш	05.02	Якубов М.М.	
3.	Аудит гуруҳининг барча аъзоларига уларнинг мажбуриятлари тўғрисида кўрсатмалар бериш.	05.02	Якубов М.М.	
4.	Дастур бўйича янги лойиҳа харажатлари аудитини ўтказиш	06-19.02	Якубов М.М., Сабилов М.Қ., Курбонов Ш.М.	
5.	Режанинг бажарилиши ва аудиторлар ишининг сифатини назорат қилиш, уларнинг иш ҳужжатларини юритиш ва аудит натижаларини тўғри расмийлаштириш.	06-20.02	Якубов М.М.	
6.	Аудитнинг алоҳида босқичлари натижалари бўйича лойиҳа ташаббускорлари билан учрашувлар ўтказиш	20.02	Якубов М.М., Сабилов М.Қ., Курбонов Ш.М.	
7.	Текшириш натижалари бўйича лойиҳа ташаббускорлари учун хулоса (ҳисобот) тайёрлаш	21-22.02	Якубов М.М., Сабилов М.Қ., Курбонов Ш.М.	

Эркин иқтисодий зона дирекция талаби кўра, ушбу келтирилган махсус дастурнинг ҳар бир босқичида белгиланган вазифаларни, янги лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида алоҳида ташкил этилиши ҳам мумкин. Янги лойиҳалар харажатлари аудитининг умумий дастури худди аудит режаси каби аудит давомида заруратга қараб қайта кўриб чиқилиши мумкин. Аудитор ўз ишини аудиторлик шартномасининг бутун муддати давомида аудиторлик амалларини бажариш жараёнида олинган ўзгарувчан вазиятлар ёки кутилмаган натижалар билан боғлиқ ҳолда доимий равишда режалаштириб боради. Умумий аудит дастурига киритилган муҳим ўзгартиришлар сабаблари ҳам ҳужжатлаштирилиши керак.

Янги лойиҳалар харажатлари аудити режалаштиришда аудитор муҳимликни даражасини баҳолаши шарт (ISA 320 - Аудитни режалаштириш ва ўтказишда муҳимлик). Янги лойиҳалар харажатлари, уларнинг самарадорлиги тўғрисидаги ахборотлар, агар уларнинг тушуриб қолдирилиши ёки нотўғри берилиши лойиҳа ташаббускорларининг, инвесторларнинг, давлат органларининг қабул қиладиган инвестицион қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади. Аудиторнинг муҳимликни аниқлаши профессионал мулоҳазасига боғлиқ бўлиб, аудиторнинг ахборотдан фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотга бўлган эҳтиёжларини тушунишига боғлиқ. Муҳимлик тамойили аудитор томонидан ҳам аудитни режалаштириш ва ўтказишда, шунингдек, аниқланган нотўғри маълумотларнинг аудитига таъсирини баҳолашда, тузатилмаган нотўғри маълумотларнинг лойиҳа самарадорлигига таъсирини баҳолашда қўлланилади.

2-жадвал

Янги лойиҳалар харажатларининг умумий аудит дастурига мисол

Аудитдан ўтадиган ташкилот		“Янги лойиҳа ташаббускори” МЧЖ		
Ўрганилаётган янги лойиҳаси номи		Янги маҳсулот ишлаб чиқариш		
Киши-соатлар сони		104		
Аудит гуруҳи раҳбари		Якубов М.М.		
Режа бўйича аудит даври		05 февралдан 22 февралгача		
Режалаштирилган муҳимлилик даражаси		5%		
№	Аудиторлик амаллари	Бажариш муддати	Ижрочи	Киши-соат
1.	Янги лойиҳанинг бизнес-режа ва лойиҳа ҳужжатларини текшириш (лойиҳанинг молиялаштиришдан олдинги босқич аудити)			
1.1.	Янги лойиҳанинг таркибий тузилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш	06.02	Курбонов Ш.М.	4
1.2.	Янги лойиҳанинг жорий этилишини асословчи ҳужжатларни инвентаризация қилиш	06.02	Курбонов Ш.М.	4
1.3.	Янги лойиҳанинг инвестиция дастури, бюджети, бизнес режаси, техник ва иқтисодий асосланганлигини текшириш	07.02	Курбонов Ш.М.	4
1.4.	Янги лойиҳага режалаштирилган харажатларнинг иқтисодий ва экологик самарадорлиги кўрсаткичларини текшириш	07.02	Курбонов Ш.М.	4
2.	Янги лойиҳа харажатларининг молиялаштириш манбаларини текшириш (молиялаштириш босқичи аудити)			
2.1.	Янги лойиҳа харажатларининг молиялаштириш манбаларини таркибини ўрганиш ва таҳлил қилиш.	08.02	Сабилов М.Қ.	4
2.2.	Янги лойиҳанинг фойдаланишга қадар амалга ошириладиган экологик харажатлари ва резервларининг молиявий манбалари мавжудлигини текшириш.	08.02	Сабилов М.Қ.	2
2.3.	Янги лойиҳа харажатларининг молиялаштириш манбаларини бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганини текшириш	08.02	Сабилов М.Қ.	2
3.	Янги лойиҳани ишга тушириш учун амалга оширилган харажатларни текшириш (лойиҳанинг инвестиция босқичи аудити)			
3.1.	Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг ўринлилигини текшириш	09.02	Курбонов Ш.М.	8
3.2.	Бухгалтерия ҳисобида лойиҳа харажатлари тўғри акс эттирилишини текшириш	12.02	Курбонов Ш.М.	8
3.3.	Янги лойиҳа ишга тушириш учун харид қилинган ва барпо этилган активларнинг мавжудлигини ҳамда сақланиш ҳолатини ўрганиш	13.02	Сабилов М.Қ.	8
3.4.	Янги лойиҳани фойдаланишга ўз вақтида топширилишини баҳолаш ва унинг бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг тўғрилигини текшириш	14.02	Курбонов Ш.М.	8
3.5.	Янги лойиҳанинг экологик харжатларининг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганини текшириш	15.02	Якубов М.М.	8

4. Янги лойиҳа харажатларининг ҳақиқий иқтисодий самарадорлиги баҳолаш (лойиҳадан фойдаланиш босқичи аудити)				
4.1.	Янги лойиҳа бўйича режалаштирилган кўрсаткичларнинг бажарилишини баҳолаш	16.02	Курбонов Ш.М.	4
4.2.	Янги лойиҳа харажатларининг самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичларнинг тўғри қўлланилганлиги аниқлаш	16.02	Сабилов М.Қ.	2
4.3.	Ишга тушилган янги лойиҳа харажатларининг ҳақиқий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлилий амалларни бажариш орқали баҳолаш: PP, DPP, ROI, PI, IRR, NPV.	19.02	Якубов М.М.	6
4.4.	Ишга тушилган янги лойиҳанинг экологик харажатларини ҳисобга олган ҳолда таҳлилий амалларни бажариш орқали самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш, шу жумладан ENPV кўрсаткичини баҳолаш.	19.02	Якубов М.М.	4
5. Янги лойиҳани харажатлари аудит натижаларини ҳужжатлаштириш (якуний босқич)				
5.1.	Аудит натижасида аниқланган хато ёки қоидабузарликларни пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш	20.02	Якубов М.М., Сабилов М.Қ., Курбонов Ш.М.	8
5.2.	Аудит натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш	21.02	Якубов М.М.	8
5.3.	Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тайёрлаш ҳамда буюртмачига тақдим этиш	22.02	Якубов М.М.	8

Халқаро аудит стандартлари мақсадлари учун (ISA 520) «таҳлилий амаллар» атамаси молиявий ва молиявий бўлмаган маълумотлар ўртасидаги эҳтимолий муносабатларни таҳлил қилиш орқали молиявий ахборотни баҳолашни англатади. Таҳлилий амаллар, шунингдек, мавжуд бўлган бошқа маълумотларга мос келмайдиган ёки кутилган самарадорликдан сезиларли даражада четга чиққан аниқланган аномалиялар ёки муносабатларни текширишни ҳам ўз ичига олади. Янги лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини молиявий баҳолаш амалга ошириладиган таҳлилий амалларда иккита усул қўлланилади - Non DFC (Non Discounted Cash Flow- дисконтланмаган пул оқимлари) ва DCF (Discounted Cash Flow- дисконтланган пул оқимлари). Дисконтланмаган пул оқими усули статистик баҳолаш усули бўлиб, вақт ўтиши билан пул қийматининг ўзгаришини ҳисобга олмайди. Дисконтланган пул оқимларида бўйича лойиҳа самарадорлигини баҳолашда эса вақт ўтиши билан пул қийматининг ўзгаришини ҳисобга олади. Янги лойиҳалар харажатлари самарадорлигини баҳолаш бўйича аудиторлик текширувидан ўтказишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

- "оддий" ўзини оқлаш муддати (PP - Payback Period);
- дисконтланган ўзини оқлаш муддати (DPP - Discounted Payback Period);
- инвестицияларнинг рентабеллик коэффициенти (ROI — Return on Investment);
- инвестицияларнинг фойдалилик индекси коэффициенти (PI — Profitability Index);

- ички рентабеллик даражаси (IRR — Internal Rate of Return)
- соф жорий қиймат (NPV - Net Present Value).

Инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг кўпгина усуллари соф жорий қийматни (NPV) ҳисоблашга асосланади. Лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги молиявий баҳолашда қўлланиладиган стандарт

кўрсаткичларга асосида лойиҳанинг экологик харажатлари ва ундан келадиган наф мезонларини қўшсак, лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги молиявий баҳолашнинг янги кўрсаткичи – экологик соф жорий қиймат (ENPV - Environmental Net Present Value)га эга бўламиз. Шунга кўра $NPV > 0$ бўлса ҳам, экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда янги лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда танлов мезонлари қуйидагилардан иборат бўлади: агар $ENPV > 0$ бўлса, лойиҳа қабул қилиниши мумкин; агар $ENPV < 0$ бўлса, лойиҳа рад этилиши керак. Иккита ўзаро эксклюзив лойиҳадан бирини танлаш керак бўлганда, энг юқори ENPV бўлган лойиҳани танланиши керак.

Хулоса ва таклифлар.

Эркин иқтисодий зоналарда янги лойиҳалар харажатларининг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилганлигини, уларнинг самарадорлигини, лойиҳа амалга ошириш бошланишидан олдин амалга ошириладиган ва жорий экологик харажатларни ҳамда уларнинг юзага келиш эҳтимолини профессионал мулоҳазалар билан пухта баҳолаш, кўп жиҳатдан уни тўғри ташкил этиш ва режалаштиришга боғлиқ. Шу жиҳатдан, янги лойиҳанинг харажатларини лойиҳани амалга оширишнинг ҳар бир босқичида тўғри ҳисобга олиш ҳамда лойиҳа харажатларини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун ўтказиладиган аудиторлик текширувини ташкил этиш ва режалаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар натижасида қуйидагиларга эришилади:

1. Янги лойиҳалар харажатлари аудитини тўғри ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган махсус режа ва дастур асосида янги лойиҳаларнинг харажатларини текшириш ҳамда самарадорлигини баҳолаш, шу жумладан экологик харажатларини аудитдан ўтказиш такомиллаштирилади ҳамда аудит ўтказиш учун сарфланадиган вақт қисқаришига, шунингдек, аудит натижаларининг самарадорлигининг ошишига эришилади.

2. Янги лойиҳалар самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари ("Оддий" ўзини оқлаш муддати (PP - Payback Period), дисконтланган ўзини оқлаш муддати (DPP - Discounted Payback Period), инвестицияларнинг рентабеллик коэффициенти (ROI — Return on Investment), инвестицияларнинг фойдалилик индекси коэффициенти (PI — Profitability Index), ички рентабеллик даражаси (IRR — Internal Rate of Return), соф жорий қиймат (NPV — Net Present Value))да экологик харажатлар, шунингдек улар бўйича резервларнинг шакллантирилганлигини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш (ENPV - Environmental Net Present Value) орқали аудиторлик хулосасини бериш натижасида янги лойиҳанинг ҳақиқий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш имкони вужудга келади ҳамда аудитор томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари харажатлари, шунингдек улар бўйича резервларни ҳисобга олган ҳолда самарасиз бўлган лойиҳага ижобий хулоса беришнинг олди олинади, эркин иқтисодий зона дирекцияси томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари харажатлари, шунингдек улар бўйича резервларни ҳисобга олган ҳолда самарасиз бўлган лойиҳани танлаб олишнинг олди олинади, инвестор томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари харажатлари, шунингдек улар бўйича резервларни ҳисобга олган ҳолда самарасиз бўлган лойиҳага инвестиция киритишнинг олди олинади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Danilochkina N.G., Cherner N.V. (2018) Risk-controlling the continuity of the implementation of investment projects. Actual problems of socioeconomic development of Russia. (2):119-127. (In Russ.).

WAN Chun, (2012) Economy School, Jiangxi University of Finance and Economics, P.R.China, «Financial Evaluation of Investment Projects from the Angle of Ecology».

Бочаров В.В. (2000) *Инвестиционный менеджмент: Учеб. пособ / –СПб: Питер, — 160с.*

Дятлова А.Ф., Кузьмичев А.В. (2020) *Роль инвестиционного аудита в выборе приоритетных направлений инвестиционной деятельности. Вестник Московского университета МВД России = Вестник Московского университета МВД России.;*(4):275-279. (На русск.).

Қонун (2020) “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 17.02.2020 йилдаги ЎРҚ-604-сон. <https://lex.uz/docs/4737511>

Меркова М. (2015) *Использование инвестиционного контроля и его влияние на эффективность бизнеса. Procedia Экономика и финансы. (34): 608-614.*

Фармон (2022) “Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.09.2022 йилдаги ПФ-215-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/6185471>